

### **Иш бўйича вақтинча яшаш ҳужжати**

Агар Сиз вақтинча яшаш ҳужжатини (вид на жительство) олиш шартларидан ўтсангиз, агар Муҳожирлик департаментига зарур ҳужжатларни тақдим этган бўлсангиз, агар литвалик иш берувчингиз Сизни меҳнат шартномаси бўйича ишга қабул қилишга рози бўлса ва агар Сизни меҳнат шароити, вазифа мажбуриятлари ва таклиф этилаётган ойлик маош қониқтираётган бўлса, Литвада вақтинча яшаш ҳужжатини олишингиз мумкин.

### **Иш бошланиши**

Литвада иш бошлашдан аввал Сиз икки адад– биттаси Сиз учун, иккинчиси иш берувчингиз учун ёзма меҳнат шартномасини тузишингиз керак. Меҳнат шартномаси Литва давлат тили ва Сиз тушунадиган тилда ёзилиши керак. Иш берувчи меҳнат шартномаси бўйича Сизни қизиқтирувчи барча саволларга жавоб бериши керак.

Иш берувчи Сизни меҳнат шароити, иш жойида амал қилувчи қоидалар, меҳнат ҳимояси ва техник хавфсизлик бўйича тартиб ва талаблар ҳақида хабардор қилишга вазифадордир.

Меҳнат шартномангизда Сиз бажарадиган вазифалар, иш жойи манзили ва ойлик маош ҳажми кўрсатилган бўлиши керак. Меҳнат шартномасида ойлик маошни тўлаш муддатлари кўрсатилган бўлиши зарур.

Меҳнат шартномасидаги барча ахборотни диққат билан ўқинг. Ҳужжат Сизга тушунарли бўлиши жудаям муҳим. Иш берувчи сиз билан қайси тилда сўзлашиши ҳақида сўрашдан тортинманг.

Агар шартнома мазмунидан шубҳалансангиз ёки саволларингизга аниқ жавоблар йўқ ёки берилмаган бўлса, ҳеч қандай ҳужжатни имзоламанг. Бўш қоғоз ёки қоғознинг тепа қисмида қандай матн ёзилганини билмасдан туриб имзо чекманг ва санаси бўлмаган аризани имзоламанг.

Иш берувчи билан барча келишувларни ёзма равишда ифодаланг, чунки баҳсли ҳолатлар вужудга келганида оғзаки келишувларни исботлашнинг имкони бўлмайди. Эсда тутинг, Сиз иш бошлаган вақтдан меҳнат шартномаси амал қила бошлайди.

Ишингиз бошланишидан бир кун олдин иш берувчи Давлат ижтимоий суғурта фонди бошқармаси (SODRA)ни Сизнинг ишга жойлашганингиз ҳақида хабардор қилиши керак. Бундай маълумот Сиз қонуний ишлаётганингиз ва Сизга солиқлар ҳамда касаллик ёки ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса туфайли ёрдам пуллари ажратилишига кафолат беради.

### **Ойлик маош**

Меҳнат шартномасида Литва Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланган энг кам ойлик маош ёки энг кам соат устамасидан кам бўлмаган бир ойлик тўлов (ойлик маош) ёки соатлик иш ҳақи (соат устамаси) кўрсатилиши керак.

Ойлик маошнинг энг кам ҳажми мунтазам ўзгариб туради ва уни Sodra <https://www.sodra.lt/situacijos/statistika/pagrindiniai-socialiniai-rodikliai> сайтидан аниқлаб олиш мумкин.

Энг кам ойлик маош фақат малакасиз меҳнат учун тайинланади. Малакасиз меҳнат тушунчаси остида махсус малака ёки касбий маҳоратни талаб қилмайдиган иш тушунилади. Агар Сиз малакали ишни бажарсангиз, Сизнинг ойлик маошингиз энг кам маошдан юқори бўлиши керак.

Иш берувчи билан меҳнат шартномангиз, шунингдек, меҳнат тўлови турли тизимлари доирасида мукофот пуллари, устамалар ёки бошқа қўшимча тўловларни ҳам қамраб олиши мумкин. Сизнинг ойлик маошингиз худди шу иш берувчида айнан шу ишни бажарувчи ходимнинг маошидан кам бўлмаслиги керак.

Агар иш графингизда кўзда тутилмаган дам олиш кунлари ишласангиз, Сизга икки карра ҳажмдан кам бўлмаган ойлик маош тўлашлари зарур. Байрам кунларида ишлаганлик учун ҳам шундай тўланади.

Иш берувчи ойига бир марта Сизга ўтказилган, тўланган ва ушланган маблағлар ҳамда ишдан ташқари ишлаганингизни қўшган ҳолда, Сизнинг иш вақтингиз давомийлиги ҳақидаги маълумотни ёзма ёки электрон кўринишда етказиб туришга вазифадордир.

Ойлик маош ойига икки марта, агар ишчи шуни хоҳласа, ойига бир мартадан тўлаб турилиши керак.

Ойлик маош ва бошқа устамалар ҳамда кундалик ва сафар харажатлари тўловлари Сиз томондан кўрсатилган ҳисоб рақамига банк орқали тўланиши керак.

### **Иш соатлари**

Иш берувчи Сизни тўлиқ иш куни, яъни ҳафтасига 40 соат иш билан таъминлаши керак. Иш куни давомийлиги меҳнат шартномангизда кўрсатилган бўлиши керак. Иш вақти графиги ҳам соатлар қандай тақсимланиши кўрсатилган ҳолда, тўлиқ белгилаб қўйилган бўлиши керак.

Иш вақтининг кундалик давомийлиги (ишдан ташқари ишлаш ҳам қўшилганида) 12 соатдан кўп бўлмаслиги керак. Сиз 7 кунлик давр мобайнида қаторасига 6 кундан зиёд ишлай олмайсиз.

Иш кунлари (сменалари) орасидаги кундалик узлуксиз ҳордиқ 11 соатдан кам бўлмаслиги, 7 кун мобайнида Сизда узлуксиз ҳордиқ чиқариш учун 35 соатдан кам бўлмаган вақт бўлиши керак.

Сиз ҳафтасига 12 соатдан зиёд ишдан ташқари ишлай олмайсиз. Истисно ҳолатлардан ташқари, иш берувчи фақат ўзингизнинг розилигингиз билан Сизни ишдан ташқари ишлашга жалб этиш тўғрисида буйруқ бериши мумкин.

Агар Сиз ишдан ташқари ишласангиз, ойлик маошингиз меҳнат шартномангизда кўрсатилганидан 1,5 баравар кўп бўлиши керак.

Тунги вақт, яъни 22:00 дан 06:00 гача ишлаганингиз учун ҳам Сизга 1,5 баравар кўпроқ тўлашлари керак бўлади.

### **Меҳнат таътили**

Битта иш берувчида 6 ой узлуксиз ишлагандан кейин иш берувчи томонидан тўланадиган йиллик таътилга чиқиш ҳуқуқига эгасиз.

Келгусида йиллик таътил иш йилида бир мартадан берилиши керак бўлади.

Йиллик таътил маблағи, агар Сиз иш берувчи билан бошқа нарса ҳақида келишмаган бўлсангиз, таътил бошланишига 3 кун қолганида кечиктирмасдан тўланиши керак.

### **Бир нечта иш берувчига ишлаш**

Бир вақтнинг ўзида энг кўпи билан 4 нафар иш берувчига ишлашингиз мумкин. Уларнинг барчаси битта меҳнат шартномасида кўрсатилиши, ушбу шартнома бўйича умумий иш вақти ҳафтасига 40 соатдан ошмаслиги керак. Меҳнат шартномасида Муҳожирлик департаментида Сизнинг воситачингиз бўлган биринчи иш берувчи кўрсатилиши керак.

### **Иш берувчини алмаштириш**

Агар иш жойингиз ёки вазифангизни ўзгартиришни истасангиз, аввал Муҳожирлик департаментидан ижозатнома олишингиз зарур. Сизга вақтинчалик яшаш ҳужжати берилганидан 6 ой ўтгандан кейин иш берувчини алмаштириш ҳуқуқига эга бўласиз. Аввалги иш берувчингизда ишлаётганингизда иш берувчини алмаштиришга ижозат олиш учун мурожаат қилишингиз керак бўлади.

Сизнинг иш берувчини алмаштириш тўғрисидаги аризангиз кўриб чиқиладиган вақтда аввалги иш берувчингиз сиз билан меҳнат шартномасини бекор қилиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Қайғурманг – аризангизни кўриб чиқиш давом эттирилади ва Муҳожирлик департаменти аризангизни кўриб чиқаётган муддатда сизнинг вақтинча яшаш ҳужжатингиз бекор қилинмайди. Агар Муҳожирлик департаменти иш берувчингизни ўзгартиришга ижозат берса, ҳатто, янги иш берувчида ишга жойлашсангиз ҳам Сизнинг ҳозирги вақтинча яшаш ҳужжатингиз амал қилишда давом этади.

Иш берувчи ёки вазифани алмаштириш тўғрисида ариза 1 ой муддатда кўриб чиқилади. Иш берувчи ёки вазифани алмаштириш тўғрисидаги қарор бир ой муддатда амал қилади.

Фақат Муҳожирлик департаментининг ижозати билан янги иш берувчида ишлашингиз ёки вазифангизни алмаштиришингиз мумкин.

### Давлат тўловлари

Муҳожирлик департаментига ариза бериш, уни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун давлат тўловлари олинади.

Аризани қабул қилиш, кўриб чиқиш ва вақтинча яшаш ҳужжатини бериш ёки бермаслик ҳақида умумий тартибда 3 ой учун 160 евро ҳажмида тўлов олинади.

Худди шундай аризани қабул қилиш, кўриб чиқиш ва шошилиш тартибда вақтинчалик яшаш ҳужжати бериш ёки бермаслик ҳақида 45 кун учун 320 евро ҳажмида тўлов олинади.

Агар Литвада вақтинчалик яшаш ҳужжати муддатидан узоқроқ вақтда ишламоқчи бўлсангиз, Сиз уни алмаштиришингиз (узайтиришингиз) керак бўлади. Бунинг учун Литва муҳожирлик ахборот тизими MIGRIS [www.migracija.lt](http://www.migracija.lt) дан фойдаланган ҳолда, ариза топширишингиз зарур.

Вақтинча яшаш ҳужжати вақти тугашига 6 ойдан кўп вақт қолмаган бўлса, яшаш ҳужжатини алмаштириш тўғрисида ариза беришингиз керак.

Алмаштириш тўғрисидаги аризангиз умумий тартибда 2 ойда кўриб чиқилиши ва 160 евро ҳажмида давлат тўлови тўланиши керак бўлади.

Бундай аризани 1 ой мобайнида тезлик билан кўриб чиқиш учун 320 евро ҳажмида тўлов олинади.

Иш берувчини алмаштириш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун 100 евро ҳажмида тўлов олинади.

### Tijoriy maqsadlarda yuk yoki yo'lovchilarni tashishda haydovchi bo'lib ishlash niyatingiz bormi, nimani bilishingiz kerak

Агар сиз Литва kompaniyasida tijoriy maqsadlarda yuk yoki yo'lovchilarni tashishda haydovchi sifatida ishlashni rejalashtirmoqchi bo'lsangiz (bu erda siz C1, C1E, C, CE, D1, D1E, D yoki DE toifali haydovchilik guvohnomasiga ega bo'lishingiz kerak), sizga kerak bo'ladi:

- litsenziyaga ega bo'lgan ta'lim muassasasida haydovchilik kasbiy tayyorgarligini tamomlab, malaka yoki davriy kasbiy malaka oshirish sertifikatini olish;
- ushbu sertifikatni olganingizdan so'ng, haydovchilik guvohnomasini almashtirishda yoki Haydovchilik malaka kartasini berishda (agar litsenziyani almashtirish imkoni bo'lmasa) "95" malaka kodini kiritish uchun "Regitra" ABga murojaat qiling. Bo'limga tashrif buyurish uchun [www.regitra.lt](http://www.regitra.lt) saytida oldindan ro'yxatdan o'tish kerak.

Haydovchilik guvohnomalarini almashtirish va haydovchilik guvohnomalarini berish haqida batafsil ma'lumotni [www.regitra.lt](http://www.regitra.lt) saytidan olishingiz mumkin.

### Бошқа муҳим ахборот

Агар Муҳожирлик департаменти Сизнинг иш берувчингиз:

- Муҳожирлик департаментига ёлгон маълумотлар, ноқонуний олинган ёки қалбаки ҳужжатларни тақдим этгани; ёки
- Иш берувчи – вақтинча ишга жойлаштириш бўйича компания Меҳнат бўйича давлат нозирлиги томонидан ташкил этилган ва унинг сайтыда эълон қилинган вақтинча ишга жойлаштириш бўйича компаниялар рўйхатидан чиқарилган бўлса; ёки
- Ноқонуний иш, баённомада кўрсатилмаган ишга ижозат бергани ёки хорижликни Бандлик тўғрисида қонун бандлари билан боғлиқ ишга жойлаштириш тартибини бузганлик учун жазо олган ва жаримани тўлаган куни ёки мажбуриятни ижро этганидан бир йилдан кам вақт ўтган бўлса,

Сизга агар 3 ой мобайнида иш берувчини ўзгартирмасангиз яшаш ҳужжатингиз бекор қилиниши ҳақида хабарнома келади.

Агар Сиз шундай хабарномани олсангиз, танлашингиз керак:

- иш берувчи билан меҳнат шартномасини бекор қиш ва 3 ой мобайнида Литвадан чиқиб кетиш, ёки
- 3 ой мобайнида Литвада Муҳожирлик департаментида Сизнинг воситачингиз бўлишга рози бўладиган бошқа иш берувчини топиш ва иш берувчини алмаштиришга ижозатнома олишга ариза бериш.

Агар Сиз хорижга сафарга жўнатилган бўлсангиз, ЕИ ёки Шенген минтақасининг бошқа давлатида бўлишингиз 180 кунлик даврда 90 кундан ошмаслиги керак.

**Меҳнат шартномасини бекор қилиш ва Литвадан жўнаб кетиш**

Агар иш берувчи билан меҳнат муносабатларингиз ниҳоясига етган бўлса ва иш берувчи ёки вазифани алмаштиришга ижозатнома тўғрисида ариза бермаган бўлсангиз, Литва Республикасидан чиқиб кетишингиз керак.

Агар Муҳожирлик департаменти Сизни вақтинча яшаш ижозатномаси бекор қилингани ҳақида хабардор қилса, бу қарорни олганингиздан кейин 14 кун мобайнида Литвадан чиқиб кетишингиз керак.

Агар мамлакатдан кўрсатилган муддатда чиқиб кетмасангиз, Сизни ортага қайтариш ёки Литвадан депортация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Сиз бекор қилинган яшаш ҳужжатини Муҳожирлик департаментига қайтариб беришингиз керак.

**Эксплуатация (мажбурий меҳнат)**

Агар Сизни ишни ижро этиш ёки хизмат кўрсатишда мажбурий ишлатаётган, мажбурлаётган бўлишса, қуйидаги органларга тезлик билан мурожаат қилинг:

- жуда ёмон/қуллик ёки умуман тўғри келмайдиган шароитда ишлаш;
- иш берувчи меҳнат шартномасида кўзда тутилганидан кўпроқ ишлаш, қўшимча тўловларсиз ишдан ташқари меҳнат қилишга мажбур қилиши ёки танафусни инкор этган ҳолатлар;
- иш ва ҳордиқ режимига риоя этилмаса;
- меҳнат шартномасида келишилгандан кам ойлик маошга ишлаш ёки бошқа мажбурий тўловлар тўланмаганида (агар улар меҳнат шартномасида кўрсатилган бўлса);
- мазмунини тушунтирмасдан, улар билан танишиб чиқиш имкониятини бермасдан, ҳужжатларни имзолатса, расмга олса, нусха кўчирса ва ҳоказо.
- Тўланмайдиган таътил бериш тўғрисидаги аризани имзолатса.

Эсда тутиш, иш берувчи Сизни бундай аризани имзолашга мажбурлаши мумкин эмас. Агар иш берувчи Сизнинг ҳаракатланишингиз эркинлигини чекласа, ҳужжатларни олиб қўйса, Сизга жисмоний ёки руҳий зўравонлик билан таҳдид қилса ёки ишдан кетишингизга тўсқинлик қилса, Сиз мажбурий меҳнат ёки одам савдоси қурбони, деб тан олиншингиз мумкин.

Агар ишингизни текшираётган прокурор Сизни жабрланувчи, деб топса, Муҳожирлик департаментига одам савдоси ёки ноқонуний меҳнат қурбони сифатида вақтинча яшаш ҳужжатини олиш учун мурожаат қилишингиз мумкин. Вақтинча яшаш ҳужжати 6 ойга берилади.

**Қаерга мурожаат қилиш керак:**

<p>Умумий ёрдам телефони - 112 (кеча-ю кундуз)</p> <p>Муҳожирлик масалалари бўйича:</p> <p>Муҳожирлик департаменти +370 707 67 000 info@migracija.gov.lt</p> <p>Меҳнат тартиби қоидалари бузилганлиги тўғрисида, Сизнинг ишчи сифатида ҳуқуқингиз бузилгани тўғрисида хабар бериш учун:</p> <p>Меҳнат шартномаси масалалари бўйича маслаҳат: Меҳнат бўйича давлат нозирлиги +370 5 213 9772 (1 рақамини босинг) info@vdi.lt</p>	<p>Меҳнатнинг яши шароити бўлмагани, иш ёки ҳордиқ вақтининг суиистеъмол қилиниши, меҳнат шартномаси тузилмаганлиги тўғрисидаги қоидабузарликлар ҳақида яширин хабар бериш учун:</p> <p>Меҳнат бўйича давлат нозирлиги +370 5 213 9772 (2 рақамини босинг) info@vdi.lt</p> <p>Агар одам савдоси қурбони бўлганингиз ёки бўлишингиз эҳтимолидан шубҳалансангиз:</p> <p>Одам савдоси қурбонларига ёрдам +370 616 91 119 info@stop-trafficking.lt</p> <p>Одам савдоси ва мажбурий ишлатишга қарши кураш маркази +370 679 61617 info@anti-trafficking.lt</p>
---	--